

МУКМИНОВА РОЗИЯ ГАЛИЕВНА: ИЛИМГА БАХШИДА УМР

Фарҳод Норқобилов

ЎЗМУ тарих факультети I курс магистранти

Тарих фанлари доктори, профессор Р.Г. Мукминова 1922 йилда таваллуд топган. 1939–1944 йилларда Ўрта Осиё давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган.

Олима 1944 йили Ўзбекистон Фанлар Академиясининг янги ташкил этилган илмий муассасаларидан бири – Тарих институтининг дастлабки аспирантларидан бўлди. Аспирантлик йилларида оёққа тураётган тарих фани эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ёш тадқиқотчини институт шу даврда шарқшунослик марказларидан бири бўлган Ленинградга (Санкт-Петербург) юборди. Олиманинг табиатига хос меҳнатсеварлик, ўзига ва атрофидагиларга талабчанлиги, ўз даврининг йирик олимлари – И.П. Петрушевский, А.Ю. Якубовский, П.П. Иванов, Я.Ф. Ғуломов, С.П. Толстов қабила билан ишлаш жараёнида орттирган тажрибаси уни тарих деб аталган кўхна фаннинг сўқмоқли йўлларида олдинга ундади.

Р.Г. Мукминова 1949 йилда собиқ СССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида (Ленинград) «Мовароуннаҳр учун Темурийлар ва Шайбонийлар ўртасидаги кураш» мавзусида номзодлик¹, 1972 йилда эса «Самарқанд ва Бухоронинг XVI аср ҳунармандчилиги» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди². У ҳаётини тарихнинг жуда мураккаб, қарама-қаршиликларга бой ўрта асрлар тарихини ўрганишга бағишлади. Ўтмиш халқлар ўйлари, умидлари, турмуш тарзи, бажарган амаллари акс этган кўлёзма асарлардан мисқоллаб йиғилган маълумотлар асосида Ўзбекистоннинг ўрта асрлар тарихи, унда кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт масалаларига ойдинлик киритувчи тадқиқотлар яратди.

¹ Абдурасулов У. Две музы узбекской медиевистики: творческие портреты Розии Мукминовой и Ольги Чехович// История и сторики Узбекистана в XX веке. Ташкент: Navro'z, 2014. С. 241.

² Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре XVI в. Ташкент, 1976. 234 с.

Олиманинг тинимсиз меҳнати самараси сифатида «XVI аср Ўзбекистон аграр муносабатлар тарихидан (Вақфнома материаллари асосида)» номли монографияси (1966)³, Ўзбекистон шаҳарлари тарихига бағишланган «Самарқанд тарихи» (1969 й.), «Бухоро тарихи» (1976 й.), «Тошкент тарихи» (1988 й.), «XVI аср Самарқанд ва Бухоронинг ҳунармандчилиги тарихидан лавҳалар» (1976 й.), «Тўрт аср олдинги Тошкент» (1984 й.), «XV–XVI аср Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисининг дифференциацияси» (1985 й.) асарлари босмадан чиқди⁴.

Мустақиллик йилларида олима ҳаққоний тарихни тиклаш, Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар тарихининг ўрганилмаган саҳифаларини тадқиқ этиш, уларни янги маълумотлар билан тўлдириш ва замонавий ёндашувлар асосида талқин этишга ўз хиссасини қўшди. Шунингдек, олима Ўзбекистон тарихи бўйича кўп жыллик фундаментал тадқиқотларни тайёрлаш ишига ҳам ўзининг муносиб улушини қўшди. Унинг раҳбарлиги остида «Ўзбекистон тарихи»нинг III жилди чоп этилди (1993 й.).

Р.Г. Мукминова ҳаммуаллифлигида тарихимизнинг энг долзарб муаммоларига бағишланган «Темур ва Улуғбек тарихи» (1996 й.), «Амир Темур» (2000 й.), «Амир Темур жаҳон тарихида» (1996 йил ўзбек, рус ва инглиз тилларида), «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари» (2002 й. ўзбек ва рус тилларида) каби фундаментал тадқиқотлар яратилди. 2002 йилда олиманинг йирик археолог олима М.И. Филанович билан ҳамкорликдаги «Ташкент на перекрестке истории (Очерки древней и средневековой истории города)» рисоласи нашр этилди. Ушбу асарларда олима томонидан ёзилган қисмларда ўрта аср жамияти ҳаётида Ўзбекистон шаҳарларининг роли, улардаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг турли жиҳатлари ўзининг илмий талқинини топди.

³ Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам «Вақф-наме». Т., 1966.

⁴ Абдурашулов У. Две музы узбекской средневековости: творческие портреты Розии Мукминовой и Ольги Чехович// История и сторики Узбекистана в XX веке. Ташкент: Navro'z, 2014. С. 241.

Р.Г.Мукминова 300 га яқин илмий ишларнинг муаллифи сифатида тарих фани ривожига катта ҳисса қўшди.

Р.Г.Мукминова нафақат республика, балки хорижда ҳам ўз маслакдошларига эга, халқаро илмий жамоатчилик орасида катта обрў қозонган олимандир. ЮНЕСКО томонидан чоп этилган “Марказий Осиё цивилизациялари тарихи” кўп жилдлик асарнинг асосий муаллифларидан бири. У бир қатор нуфузли халқаро илмий анжуманларнинг доимий иштирокчиси сифатида ўзининг сўнгги ўрта асрлар тарихи бўйича илмий изланишлари натижаларини хорижлик тадқиқотчилар эътиборига тақдим этган. Улар жумласига Канада (Торонто, 1989 й.), Германия (Бамберг, 1991й.), Франция (Страсбург, 1987 й.), Туркия (Анкара, 1997 й.), АҚШ (Лос-Анжелес-Калифорния, 1998 й.), Медисон-Висконсин, 1998 й., Австрия (Вена, 2000 й.), Эрон (Техрон, 2001 й.) да ўтказилган халқаро конференцияларни киритиш мумкин. Олиманинг маърузаларидан нафақат Ўзбекистон илмий жамоатчилиги, балки Париж (Франция), Висконсин (АҚШ), Токио, Киото (Япония) университетлари ўқитувчи ва талабалари ҳам баҳраманд бўлганлар.

Олима илмий тадқиқот ишларини олиб бориш билан бирга, олий таълим тизими билан алоқани узмади. Тошкент давлат педагогика Университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институти талаба ва магистрантларига ўрта асрлар тарихининг кўплаб долзарб муаммолари бўйича махсус курслар ўқиди. Умрининг сўнгги кунларигача Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети билан узвий ҳамкорликда ишлаб, ёш тарихчи-тадқиқотчиларнинг ўз илмий йўналишларини топишига катта ҳисса қўшди. Розия Галиевна ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва улар онгида тарихий тафаккурни шакллантириш йўлида ҳам тинмай меҳнат қилди. Олима раҳбарлиги остида 1993 йилда тайёрланиб, ўзбек, рус, қozoқ, туркман ва тожик тилларида чоп этилган ўрта мактабларнинг 7- синф учун

мўлжалланган “Ўзбекистон тарихи” дарслиги ана шу меҳнатнинг маҳсулидир⁵.

Р.Г. Мукминова республикада юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишига ҳам муҳим ҳисса қўшди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти ва Шарқшунослик институтлари қошидаги докторлик диссертациялари ҳимоясига ихтисослашган Кенгашларнинг нуфузли аъзоси сифатида улар ишида фаол иштирок этди. Олима 2007 йилда вафот этган. Аммо унинг ёрқин хотираси касбдошлари ва шогирдлари қалбида мангу барҳаётдир. Р.Г. Мукминова илмий меросининг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни бекиёсдир.

⁵ Ўзбекистон тарихчилари. I жилд (биобиблиографик маълумотнома). Тошкент: «Fan va tehnologiya», 2012. 144-147-бет.